*Гул кўп, чаман кўп*

# ЯНА ЮРАГИМГА ЁНБОШЛАЙДИ ТУН



*Инобат Кўчқорова асли сайрамлик. Ҳозир Тошкентда истиқомат қилади. Мактабда муаллима. Унинг шеърларини биринчи маротаба, Фарғонада бўлиб ўтган республика ижодкор муаллималарининг анъанавий бешинчи кенгаши кунлари ўқидим. Кенгашда қатнашди. Қўлёзмаси менга тушган экан, яхши таассурот уйғотди. Битиклари маъқул бўлди. Инобатнинг шеърларида мунис латофат, майин маъсумалик бор. Туйғулари ажиб бир ибо, ажиб бир иймаиш билан йўғрилган.*

*Сени истаб дилда саволлар кўчган,*
*Сени истаб дилда жавоблар толди.*

*Дил соғинган шундай ҳислар шоиранинг шеърларига зеб берган ва бундай зебо ҳислар улғайиб боради деган умиддаман.*

**Икром ОТАМУРОД.**

***Осмоним деб, сиғинганим сен эрдинг,***
***Йўлларингга сочган эрдим умидим.***
***Ишқ қасрингга малика бўлсам дердим,***
***Тақсам дердим, дилга вафо гулидан.***

***Баҳорим деб, сиғинганим сен эрдинг,***
***Шалоладек тўлиб тошдим йўлингда.***
***Соғинч-дилим тубидаги сиридир***
***Меҳрга зор қалбим тутдим қўлингга.***

***Чинорим деб, сиғинганим сен эрдинг,***
***Кўнглумни боғлаб ишқ риштасига,***
***Сени вафо расмий расмида кўрдим,***
***Айлангум садоқат фариштасига.***

x x x

***Туннинг этагини ушлаб йиғладим,***
***Ширин тушларимни қайтаргин — дея.***
***Хазон чўкаётган боғлар тиғлади***
***Изларингни қилмай ҳадия.***

***Бугун ҳам келмадинг, сенсиз ўтди кун***
***Саробга айланди тонгдаги тушим***
***Яна юрагимга ёнбошлайди тун,***
***Яна чирқирайди алданган қушим.***

***Сени соғиниблар қалбим ўртанар,***
***Соғинч ва армоннинг арқоғи таранг.***
***Дилимда кўклаган ғамлар пўртана,***
***Дилимда тўлғанган мавжлар лоларанг...***

x x x

***Мен сени ахтардим, топмадим сира,***
***Мен сени ахтардим, гулдан, баҳордан.***
***Узун кечаларда йиғлаб хотира,***
***Энтикди юрагим соғинчдан, зордан.***

***Ой кулиб боқмади, юлдузлар ўчган,***
***Гирён туйғуларим аламда қолди.***
***Сени истаб дилда саволлар кўчган,***
***Сени истаб дилда жавоблар толди.***

***Рўйим заъфарондир ҳажрингга тилмоч,***
***Бардошимга тилайман тўзим.***
***Ўксик тунларимга офтобдек нур соч,***
***Нурларингни соғинди кўзим.***

**Инобат ҚЎЧҚОРОВА.**

*Ўзбекистон — Ватаним маним*

# ИСТИҚЛОЛДАН ЯРАЛГАН ҚЎШИҚЛАР



*Истиқлолнинг тўртинчи йилида қувончли ва савобли бир иш бошланди. Юртим деган юрак борки, барчасини қувонтирди у. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг алоҳида эътибори билан «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танлови эълон қилинди. Бир асрдан кўпроқ вақт мобайнида миллий ифтихори топталиб яшаган халқ ўзининг Ватан ҳақидаги энг сара қўшиқлари учун мукофотлар таъсис этди.*

*Танлов якунланаётган ушбу кунларда Маданият ишлари вазирининг ўринбосари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М.Абдуқундузов билан суҳбатлашдик.*

— Танлов миллий маънавиятимизнинг юксалишига катта ҳисса қўшиши шубҳасиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Чунки Ватан ҳақидаги қўшиқлар қанча кўп бўлса, ёш авлоднинг элу-юртга муҳаббати шунча улуғ бўлади. Юрт чин ватанпарварлар қўлига топширилади. Бу масаланинг бир жиҳати. Иккинчи жиҳати шуки, ушбу танлов миллий маънавиятимизнинг юксалиши учун қўйилган шаҳдам қадамлардан бири бўлди.

Ҳатто яйловдаги чўпонлар, олимлар ва ҳокимлар ҳам танловдан четда туролмадилар. Ҳамма ўз юртини, ватанини севади, шундай экан, ижод ҳам қилади-да. Андижон Давлат чет тиллар институти ректори, немис тили мутахассиси М.Умархўжаев, Фарғона вилояти ҳокими Мирзажон Исломов танловга ўз шеърларини тақдим этдилар.

Тадбирда болалар ҳам ўз маҳоратлари билан кўпчилик эътиборини қозонишди. Тошкент вилоятидан Бахтиёр Умиров, Сирдарё вилоятидан Дилшодбек Каттабековларнинг чиқишларини мухлислар самимий кутиб олишди.

**— Ғолибларни «элакдан ўтказиш» учун вилоятларга махсус мутахассислар гуруҳи юборилганлигини эшитдик. Уларнинг мақсад ва вазифаси нималардан иборат эди?**

— Маълумки, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлигига ғолибларни аниқлаб, якуний босқичга юбориш имкони берилган эди. Мана, ниҳоят ғолиблар аниқланди. Шубҳа йўқки, якун бағоят сермазмун ўтади. Мутахассислар гуруҳининг вилоятларга юборилишидан мақсад ҳам шу. Улар ғолиб топилган қўшиқ матни ва мусиқасини назардан ўтказиш, саҳна ва ансамбль уйғунлигини, кийимларни танлашда ҳар бир вилоятни миллий ўзига хослигини таъминлашда ёрдаи бердилар. Шунингдек, вилоятда иккинчи-учинчи ўрин олган қўшиқларни ҳам тинглаб кўриб, тайёр деб ҳисобланган ғолиб қўшиқни видеотасмага ёзилган ҳолда олиб ҳам келдилар.

Кези келганда танлов ҳар бир вилоятда ўзига хос ўтказилганлигини таъкидлашим лозим. Танлов, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида намунали уюштирилди, деб айтишимиз мумкин.

**«Кашф этилган» талантларни янада камол топтириш учун қандай ишлар режалаштирилган?**

— Улар бундан буён бизнинг эътиборимизда бўлишади, ўқиш ва маҳоратларини оширишда уларга керакли ёрдамларни бериб борамиз. Олий ўқув юртига кирувчиларга эса имтиёз берилади. Бундан ташқари, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги ҳомийлар ҳам ўз мукофотларини тайёрлаб туришибди.

**— Танловни анъанавий тус олдириш борасида нима ишлар қилиняпти?**

— Танлов республикамиз тарихида биринчи марта ўтказиляпти. Энг муҳими, у қўшиқлар танлови. Қўшиқ эса инсон руҳининг тарбиячиси экани ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам биз Маданият ва маърифат маркази, Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда бу танловга анъанавийлик тусини бериш ниятидамиз. Бу масалада бир фикрга келишиб олдик.

**Якуний босқичнинг ўтказилиши ҳақидаги саволларга режиссёр Марат Азимов шундай жавоб бердилар.**

— Якуний босқични «Туркистон» саройида ўтказилиши режалаштирилган.

Ғолиб қўшиқлар билан бир қаторда 1991-1995 йилларда яратилган Ватан ҳақидаги энг сара қўшиқларни ҳам танлаб олдик. Танловга жами 65 га яқин қўшиқ ҳозирланди. Ўйлайманки, танлов якуни мустақиллигимизнинг 5 йиллигига санъаткорларимизнинг муносиб туҳфаси бўлади.

*Қўшиқлар дилларга тўкилиб боради. Уларда Ватан мадҳи, она юрт тимсоли намоён бўлади. Кўнгиллар севишни, муҳаббатни қўшиқдан ўрганади.Куйлар, оҳанглар, алла-ю, шўх яллалар боқий яшайди. Елкасига меҳр-муҳаббатни ортмоқлаб авлоддан-авлодга ўтиб боради.*

**ҲАМРО БОНУ.**

*Газета саҳифаланаётганда*

## «МЕҲНАТ - РОҲАТ» ОРОМГОҲИДА

Навоий шаҳридаги Ш. Рашидов номли 10-ўрта мактабда 100 ўринлик бепул болалар оромгоҳи очилди. Пахта тозалаш корхонаси сарф-ҳаражатларини зиммасига олган бу масканда асосан Жалойир қишлоғи ва «Нарпай» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи корхона ишчиларининг фарзандлари, кам таъминланган оила аъзолари ҳордиқ олмоқдалар. Яқинда Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида махсус ажратилган автобусда сайр қилиб қайтдилар.

Шу билан бир қаторда мактаб қошида 25 ўринли «Меҳнат-роҳат» оромгоҳи ҳам ишга тушди. Темир йўл бошбекати ҳудудидаги учта маҳалланинг катта ёшдаги мактаб ўқувчилари ушбу оромгоҳда дам олиб, айни вақтда пахта тозалаш корхонасида меҳнат қилиб, маош билан таъминланадилар. Кўча-куйда беҳуда вақт ўзказгандан кўра, иш ўрганганимиз яхши, дейишмоқда ўқувчилар.

**«Туркистон» мухбири.**

*Ранг-баранг олам*

## АЁЛЛАР ҚАТЛ ҚИЛИНМАЙДИ

Покистон ҳукумати аёлларни қатл этишни бекор қилиш юзасидан қарор чиқарди. Бундан буён жиноятга қўл урган аёллар энг оғир жазо сифатида умрбод қамоққа маҳкум этиладилар.

Мамлакат ахборот вазири Холид Хорал ҳукуматнинг бу қарорини шарҳлаб, хатто террорчилик ва наркобизнес каби жиноятчиликка қўл урган аёлларга нисбатан ҳам ўлим жазосининг бекор қилиниши, бу Покистон жамиятининг инсонпарварлик томон ташлаган муҳим қадамидир, деди.

## 10 ЙИЛДАН КЕЙИН

Орадан 10 йил ўтгачгина ниҳоят сулҳ тузилди.

Йўқ, бу аллақандай икки давлат ёхуд жанговар гуруҳлар ўртасида эмас, балки Гондурасда яшовчи оддий икки оила ўртасидаги сулҳдир.

Гап шундаки, бу икки оила ўтган йиллар давомида ўзаро чорва молларини талон-тарож қилишдан тортиб то одам ўғирлашга ва ўлдиришгача булган жиноятларни содир этиб келганлар. Бу можародан жабр чекканлар сони 80 кишига етган. Ҳатто армиянинг аралашуви ҳам ўзаро ўч олишларга барҳам бермаган. Ниҳоят бу зиддиятни тўхтатиш учун католик черкови аралашишга мажбур бўлган: кимсан папа Иоанн Павел II нинг ўзи икки оила бошлиқларига хат йўллаган. Шундан сўнггина икки томон сулҳга имзо чикишди.

Айтишларича, бу можаро 1987 йилда ичкилик оқибатида кимнингдир ўлдирилиши билан бошланган экан...

## БИРИ ОҚ, БИРИ ҚОРА

Эгизак кўрганидан боши осмонга етган англиялик Реймонд Колверт хотини-қора танли Мишель Хэмилтоннинг қўлидаги чақалоқларни кўриб ҳайратда қотиб қолди. Эгизакларнинг бири оқ, бири қора эди. Туғруқхонада «алмаштириб» қўйишмаганликларини, эгизаклар ўзи билан қондош эканлигига ишонч ҳосил қилгач, изоҳ талаб қилиб врачларга мурожаат қилди. Врачлар ҳам бунақа ҳолни биринчи марта кўриб турганликларини, эгизаклар онадан икки хил ирққа мансуб бўлиб туғилиши эса, миллиондан бир ҳолдагина юз беришини айтдилар.





Ўзбекистон Олимпиадачиларидан А. Кўчмуродов ва В. Кот.


## 127-АВТОКОРХОНА ОЧИҚ ТУРДАГИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

*127-автокорхона ҳиссадорлик жамиятининг 1996 йил 1 январгача бўлган балanси*

**АКТИВ**

**I. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ВА ОБОРОТДАН ТАШҚАРИДАГИ БОШҚА АКТИВЛАР**

**АСОСИЙ ВОСИТАЛАР:**

| | |
|---|---|
| бошланғич қиймат | 20237,8 |
| эскириш | 9362,3 |
| қолдиқ қиймати | 10875,5 |
| тугалланмаган капитал маблағ | 390,8 |
| узоқ муддатли молиявий қўйилмалар | 120,6 |
| 1-бўлим бўйичи жами: | 11386,9 |

**II. ЗАҲИРАЛАР ВА ХАРАЖАТЛАР**

| | |
|---|---|
| ишлаб чиқариш заҳиралари | 2607,9 |
| бошланғич қиймат | 94,6 |
| эскириш | 47,3 |
| қолдиқ қиймат | 47,3 |
| тугалланмаган ишлаб чиқариш | 4173,0 |
| II-бўлим бўйича жами: | 6828,2 |

**III. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ, ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА БОШҚА АКТИВЛАР**

| | |
|---|---|
| Дебиторлар билан ҳисоб-китоблар: | |
| товарлар ва хизматлар учун | 10743,4 |
| олинган вексellar бўйича | 50,0 |
| бюджет билан | 552,6 |
| бошқа дебиторлар билан | 559,3 |
| ҳисоб-китоб счёти | 0,1 |
| III-бўлим бўйича жами: | 11905,4 |
| БАЛАНС | 30120,5 |

**ПАССИВ**

**I. ЎЗ МАБЛАҒЛАРИ МАНБААЛАРИ**

| | |
|---|---|
| Устав фонди | 12707,5 |
| махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар | 909,0 |
| I-бўлим бўйича жами | 13616,5 |

**II. УЗОҚ МУДДАТЛИ ПАССИВЛАР**

| | |
|---|---|
| Узоқ муддатли банк кредитлари | 9,1 |
| II-бўлим бўйича жами | 9,1 |

**III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ВА БОШҚА ПАССИВЛАР**

| | |
|---|---|
| Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар: | |
| товарлар, бажарилган ишлар ва хизматлар учун | 2793,3 |
| меҳнатга ҳақ тулаш бўйича | 454,5 |
| ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича | 1019,8 |
| бошқа кредиторлар билан | 3682,7 |
| қисқа муддатли бошқа пассивлар | 8544,6 |
| III-бўлим бўйича жами: | 16494,5 |
| БАЛАНС | 30120,5 |

127-автокорхона ҳиссадорлик жамияти 1996 йилнинг ярим йиллик натижалари бўйича ҳиссадорларнинг умумий мажлиси 1996 йилнинг 29 июлида эрталаб соат 7 да ўтказилишини маълум қилади.

**Манзил: Тошкент-34, Қорасарой кўчаси, 325.**
***127-автотранспорт корхонаси директори С. М. ТОИРОВ***
***Бош ҳисобчи Л. А. ПЕРЕПЕЛОВА***



Тошкент шаҳридаги 173-мактабдан Раджабова Зарина Расуловнага берилган ИZI № 318240 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.


# ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМПИАДАЧИЛАРИ

**улар XXVI Олимпия ўйинларида қуйидаги турлар бўйича медаллар учун кураш олиб борадилар**

| Ўтказилиш куни | Енгил атлетика | Бокс | Эшкак эшиш (слалом) | Эшкак эшиш (спринт) | Велопойга (кросс) | Велопойга (шоссе) | Қиличбозлик | Спорт гимнастикаси | Дзюдо | Замонавий бешкураш | Милтиқдан ўқ отиш | Сузиш | Теннис | Оғир атлетика | Эркин ва грек-рум курашлари |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | «Олимпик стадиум» | «Александр мемориали» | Окои сув маркази | Ланьер кўли | Отчопар боғи | Атланта бўйлаб | Конгресс марказ | Жоржиа доум | Конгресс марказ | Турли спорт иншоотлари | Вулф крик мажмуаси | Жоржиа сузиш маркази | Стоун маунтен боғи | Конгресс марказ | Конгресс марказ |
| | | | | | | | | | | | | | | + | + |
| 20 июль | | + | | | | | + | + | + | | + | + | | + | + |
| 21 июль | | + | | | | | + | + | + | | + | + | | + | + |
| 22 июль | | + | | | | + | + | + | + | | + | + | | + | + |
| 23 июль | | + | | | | | + | + | + | | + | + | + | + | |
| 24 июль | | + | | | | | + | + | + | | + | + | + | | |
| 25 июль | | + | | | | | + | + | + | | + | + | + | + | |
| 26 июль | + | + | + | | | | + | + | + | | + | + | + | + | |
| 27 июль | + | + | + | | | | | | + | | + | + | + | + | |
| 28 июль | + | + | + | | | | | | | | | | + | + | |
| 29 июль | + | | | | | | | + | | | | | + | + | + |
| 30 июль | | + | | + | + | | | + | | + | | | + | | + |
| 31 июль | + | + | | + | | + | | + | | | | | + | | + |
| 1 август | + | + | | + | | | | | | | | | + | | + |
| 2 август | + | + | | + | | | | | | | | | + | | |
| 3 август | + | + | | + | | + | | | | | | | + | | |
| 4 август | | + | | + | | | | | | | | | | | |


*Муассис:*
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ**
*Ҳомий:*
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЮШМАСИ» АССОЦИАЦИЯСИ**

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 36-56-58;
хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими — 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар — 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Реклама ва эълонлар учун тел.: 33-95-97, 33-79-69

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0370
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

Ҳажми —— 2 табоқ. Тираж — 8793.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6